

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**« МУҲАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАРИ ҚУРИЛИШИ»
ФАКУЛЬТЕТИ**

**“ИССИҚЛИК ГАЗ ТАЪМИНОТИ, ВЕНТЕЛЯЦИЯ ВА СЕРВИС”
КАФЕДРАСИ**

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИ

**МАВЗУ: Жума шаҳрида жойлашган санъат касб-хунар коллежи
биносини иситиш ва ҳаво алмаштириш тизимларини лойихалаш**

Бажарди: 401- МКҚ (ИГТ) гуруҳ талабаси

Холиқов Ф.

Рахбар: доцент

Хусанов Г.

Самарқанд- 2018 йил

Мундарижа

1.Кириш.....	2
2.Диплом лойиҳасини ҳисоблаш тартиблари.....	4
3.Иситиш системасини ҳисоби ва лойиҳа учун асосий маълумотлар.....	6
4.Ташки деворнинг техникавий иссиқлик ҳисоби.....	7
5.Иссиқлик йуқолишини ҳисоблаш.....	13
6.Иссиқликнинг асосий истеъмолчилари.....	18
7.Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимлари.....	23
8.Замонавий иситиш тизимлари.....	23
9.Иситиш асбобларини, устунларини ва узатувчи қувурларини жойлаштириш.....	29
10.Иситиш асбобларининг юзасини ҳисоблаш ва танлаш.....	31
11.Қувурларнинг гидравлик ҳисоби.....	36
12.Элеваторни ҳисоблаш ва танлаш.....	38
13.Иссиқлик тармоқларини ишга тушириш, созлаш, синаш ва улардан фойдаланиш.....	39
14.Биноларда ҳаво алмаштириш.....	42
15. Бинолар вентиляция тизимларининг тузилиши.....	45
16. Ҳаво йуллари ва каналларининг ҳисоби.....	57
17.Ҳаво филтрлари ҳисоби.....	59
18.Вентиляторларни танлаш.....	59
19.Ҳавони иситкичлар(калориферлар)ҳисоби.....	60
20.Вентиляция тизимларини ишга тушириш, созлаш, синаш ва улардан фойдаланиш.....	61
21.Атроф-муҳит ҳимояси.....	64
22.Меҳнатни муҳофаза қилиш.....	73
23.Хулоса.....	81
24.Адабиётлар.....	82
25.Иловалар.....	83

КИРИШ

Ҳозирги вақтда аҳолини иссиқлик, газ ва сув билан узлуксиз равишда сифатли таъминлашга республикамиздажуда катта эътибор берилмоқда. Шу боис мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда мазкур соҳа еттинчи асосий устувор йўналиши деб белгиланган.

Маълумки, барчамизга муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ушбу соҳада йиллар давомида жиддий муаммолар тўпланиб, ҳозирги кунда ўз ечимини кутмоқда. Улар орасида иссиқлик билан таъминлаш ва уни бошқаришнинг бутун тизимини кескин ўзгартириш, муқобил (алтернатив) ёқилғи ва энергия манбаларидан, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланган ҳолда, локал иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизимларига босқичма-босқич ўтишни таъминлаш ҳамда эскирган, ёқилғини кўп сарф қиладиган қозонхоналарни табиий газни тежаб сарфлайдиган ускуналарга алмаштириш, бино ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш, ҳавосини кондициялаш тизимларида замонавий энергия сарфланиши жиҳатдан тежамкор жиҳозлар, ростлаш асбоб-ускуналари, шунингдек, янги технологиялардан республика шароитида унумли ва кенг фойдаланиш каби масалалар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мазкур масалаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ушбу соҳага замонавий иссиқлик, газ таъминоти ва вентиляция тизимларининг тузилиши, ишлаш принциплари, асосий жиҳозлари, ҳисоблаш ва лойиҳалаш асослари, ишга тушириш, созлаш, синаш ва фойдаланиш қоидалари тўғрисида чуқур билимга, малака ва кўникмага эга бўлган бакалавр мутахассисларни тайёрлаш даркор.

Иссиқлик таъминоти халқ хўжалигининг йирик тармоғидир. Унинг эҳтиёжига ҳар йили республикамизда қазиб олинадиган ва ишлаб чиқариладиган ёқилғининг тахминан 20% сарфланади. Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти, одатда, йирик туман қозонхоналаридан фойдаланишга асосланган бўлади.

Жаҳон миқёсида иссиқлик таъминотини марказлаштирилишининг бошланиши деб 1818- йилни ҳисоблаш мумкин. Чунки шу йилда Англияда Трэнголд томонидан илк бор бир гуруҳ оранжереяларни 127 метр узокликда жойлашган қозонхонадан юқори босимли буғли тизим ёрдамида иситиш амалга оширилган эди.

1830- йилда Германияда буғ машинасидан чиқариб ташланадиган буғдан биринчи марта буғли иситиш тизимида фойдаланилди.

Иссиқлик манбаларни механик энергия олиш ва иситиш мақсадида марказлаштиришдан яхши техник-иқтисодий кўрсаткичлар АҚШда олинган эди. 1878- йилда Локпорт шаҳрида (Нью-Йорк штати) буғ машиналарининг буғидан фойдаланиб 210 бино учун биринчи туман иссиқлик таъминоти тизими барпо этилган. Дастлаб ер ости буғ қувурларнинг узунлиги 2 км ни ташкил этган. Шу вақтнинг ўзида Бантедт шаҳрида (Нью-Йорк штати) биноларнинг катта гуруҳини иссиқ сув таъминоти билан курама усулда

Иссиқлик газ таъминоти вентиляция ва сервис
401 ИГТ гуруҳ талабаси Холиқов Фаррух

насос-сувли иситилиши амалга оширилган.

1900- йилда Германиянинг Дрезден шаҳрида марказлаштирилган буғли иссиқлик таъминоти тизими 1050 м масофада жойлашган 12 та истеъмолчини иссиқлик билан таъминлаган. Бунда буғнинг босими 0,8 МПа бўлган.

XX аср бошида электр юритгичларнинг кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилганлиги муносабати билан сувли иссиқлик таъминоти ривожлана бошлади.

1924- йилда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида профессор В.В. Дмитриев ва инженер Л.Л. Гинтер ташаббуси бўйича шаҳарнинг 3-чи электр станциясидан истеъмолчиларга иссиқлик узатиш мақсадида иссиқлик тармоғи ўтказилган эди. Мазкур станция келажакдаги иситиш ТЭС ламинг тимсоли эди.

Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти ғоясининг ривожланишига Л.Л. Гинтер, М.О. Гринберг, В.В. Дмитриев, А.А. Крауз, Ж.Л. Танер-Танненбаум, В.М. Чаплин, Б.М. Якуб, Е.Я. Соколов, Б.Л. Шифринсон, С.Ф. Копёв, А.В. Хлудов, Е.Ф. Бродский, Н.М. Зингер каби олим ва инженерлар катта ҳисса қўшишди.

Юқорида қайд этилганидек, ҳозирги кунда марказлаштирилган иссиқлик таъминоти ўзининг ривожланишида янги босқични бошидан кечирмоқда. Чунки ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидаги ғояларига асосланган марказлаштирилган иссиқлик таъминотининг истиқбол ривожланиши асосан иссиқлик манбаларининг донабай кувватини ошириш (иссиқлик узатилишининг радиусини кўпайтириш мақсадида) ва тармоқлардаги иссиқ сув параметрларини юқори даражага кўтариш (150°C ўрнига $200\text{-}225^{\circ}\text{C}$ ва ҳаттоки 250°C гача) ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Бундай марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимларнинг ишончилигини ошириш ва уларни бошқариш, одатда жиддий муаммолар билан боғлиқдир.

Замонавий тасаввурларга кўра, иссиқлик таъминоти келажакда муқобил ёқилғи ва энергия манбаларидан, хусусан қуёш энергиясидан фойдаланиш, локал иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизимларига босқичма-босқич ўтиш, эскирган, ёқилғини кўп сарфлайдиган қозонхоналарни табиий газни тежаб сарфлайдиган ускуналарга алмаштириш, иссиқлик тармоқларида иссиқликни бефойда йўқолишини камайтириш, истеъмолчиларда иссиқлик ўлчагичларни ўрнатиш каби йўналишлар бўйича ривожланади.

Диплом лойиҳасини ҳисоблаш тартиблари.

1. Иситиш

1.1. Ташки хавоннинг ҳисобий параметрларини аниқлаш [А4 (Адабиёт 1)] 17-бет, [А6] 214-бет, [А7] 61-бет, [А11] 9-бет.

1.2. Ички хавони ҳисобий параметрларини аниқлаш ([А4] 21-бет, [А11] 9-бет)

1.3. Ташки тусик курилмаларини техникавий иссиқлик ҳисоби.

а). Ташки деворлар ([А4] 33-бет, [А8] 22-бет, [А11] 10-бет)

б). Том усти ёпмаси ([А4] 38-бет)

в). Ер тула усти ёпмаси ([А4] 38-бет)

1.4. Эшиқ, деразаларнинг иссиқлик утказувчанлик коэффициентини аниқлаш ([А4] 54-бет, [А5] 74-бет)

1.5. Курилиш курилмаларини хаво утказувчанликка текшириш ([А5] 74-бет)

1.6. Хоналарда ва биноларда иссиқлик йуқолишини ҳисоблаш ([А4] 46-бет, [А6] 214-бет, [А11] 6-бет)

1.7. Инфилтрацияга сарфланган иссиқликни аниқлаш ([А6] 214-бет, [А5] 74-бет, [А11] 29-бет)

1.8. Бинода солиштирма иссиқлик характеристикасики аниқлаш ва уни меъёрий ҳисоблари билан таккослаш

1.9. Иссиқлик системаларини ва иссиқлик элтувчини танлашни асослаш ([А6] 214-бет, [А11] 34-бет)

1.10. Иситиш асбобларини турини қабул қилиш ва уларни қаватлар режаларида жойлаштириш ([А6] 214-бет, [А4] 114-бет, [А11] 46,57,66-бетлар)

1.11. Қаватлар режаларида устунларни асбобларга улашни ертула режасида ҳамда юқори разводкада том устида магистрал қувурларни жойлаштириш ([А8] 114-бет)

1.12. Ер тула хонасида иссиқлик тугунини жойлаштириш ва сувли иссиқлик тармоғидан иссиқлик билан таъминланишини, иссиқлик тугуни схемаси ечимини топиш ([А8] 129,169-бетлар, [А4] 364-бет)

1.13. М1: 100 микёсда иситиш системасини арматуралари (кран, задвижка) ва усқуналари билан қувурларни аксонметрик схемасини чизиш. Системани бош циркуляцион халқасини аниқлаш ва уни қисмларга бўлиш ([А8] 128-132-бетлар, [А4] 187-бет)

1.14. Иситиш системасими гидравлик ҳисобини бажариш ([А9] 128-132-бетлар, [А4] 187-бет)

1.15. Иссиқлик тугунини (элеваторни) ҳисоблаш ва танлашни бажариш иссиқлик тармоғидан қиришдаги зарурий босим фарқини аниқлаш ([А4] 367-бет, [А8] 169-бет)

1.16. Иссиқлик системасига спецификация тузиш.

2. Вентиляция

(Хаво алмаштириш)

2.1. Хоналарда хаво алмашинувни аниқлаш ([А9] 40,55-бетлар)

2.2. Хоналарни вентиляциясини принципиал схемасини танлаш ([А9] 3,24-бетлар)

2.3. Бино каватлари режаларида вентиляция йулларини (каналларини), панжараларини, шахталарини жойлаштириш ([А9] 20-бет, [А8] 206-бет)

2.4. Вентиляция системасини хисобий аксонометрик схемасини чизиш, қисмларга бўлиш, аэродинамик хисобини бажариш ([А8] 212-бет, [А9] 56,68,83-бетлар)

2.5. Режаларда панжаралар, каналлар, шахталар улчамларини куйиш, зарурий боғланишларни амалга ошириш.

Жума шаҳрида жойлашган “Санъат” Касб ҳунар коллеж биносини иситиш ва ҳаво алмаштириш тизимларини лойиҳалаш
Иситиш, вентиляция тизимларини ҳисобларини ва лойиҳалари учун асосий маълумотлар

I. Курилаётган климатологик макон – **Жума шаҳри**

Барометрик босим- 950 Гпа, шимолий географик кенглик-41 ш.шк.,
 А параметрлари

Совук давр – $t = -4 \text{ }^\circ\text{C}$; $I = 0 \text{ кДж/кг}$; $v = 5.0 \text{ м/с}$, Иссик давр- $t = 33 \text{ }^\circ\text{C}$;
 $I = 55.7 \text{ кДж/кг}$; $v = 1.4 \text{ м/с}$

Б параметрлари

Совук давр – $t = -14 \text{ }^\circ\text{C}$; $I = -12.4 \text{ кДж/кг}$; $v = 5.0 \text{ м/с}$, Иссик давр- $t = -37.5 \text{ }^\circ\text{C}$;
 $I = 65.2 \text{ кДж/кг}$; $v = 1.4 \text{ м/с}$

1) Ташки хавонинг ҳисоблаш учун параметрлари:

$t_n = t_n^5 - 13^\circ\text{C} - 0,92$ таъминланишида

$t_n[7]$ ни 4-жадваллини 10-устундан олинади

Энг совук кун		Энг совук беш кунлик	Энг совук уч кун
0,98	0,92	0,92	$t_n^3 = \frac{(t_n^1)^{0,92} + (t_n^5)^{0,92}}{2} =$
- 21 °C	- 18 °C	- 17 °C	$= \frac{(-18) + (-17)}{2} = -17,5^\circ\text{C}$

II. Намлик минтақаси- 3-курук

III. Девор курилмаларининг ишлатиш параметрлари

«А» - курук минтақа учун

IV. Иссиклик билан таъминланишнинг параметрлари:

1. Иссиклик ташувчи муҳит – сув

2) $T_1 = 150 \text{ }^\circ\text{C}$; $T_2 = 70 \text{ }^\circ\text{C}$

3) $t_1 = 95$; $t_0 = 70^\circ\text{C}$

V. Иссиклик манбаи – шаҳар иссиклик тармоғи.

Ташки деворнинг техникавий иссиқлик ҳисоби

Бир қаватли ёки куп қаватли девор қурилмалари иссиқлик ўтказувчанлик қаршилигини қуйидаги формула билан аниқланади.

$$R_0 = \frac{1}{\alpha_B} + \frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \dots + \frac{\delta_n}{\lambda_n} + \frac{1}{\alpha_H}$$

Бу ерда: α_B - девор қурилмаси ички юзасининг иссиқлик ўзатиш

$\delta_1, \delta_2, \dots, \delta_n$ - куп қаватли деворлар қалинлиги, м

$\alpha_1, \alpha_2, \alpha_n$ - куп қаватли деворлар материалларининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти КМК 2.01.04. -97 дан олинади.

α_H - девор қурилмаси ташки юзасининг иссиқлик ўзатиш коэффициенти.

Девор қурилмаларининг талаб этилган иссиқлик ўтказувчанлик қаршилигини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$R_0^{mp} = \frac{(t_B - t_H)}{\Delta t^H \cdot \alpha_B} \cdot n, \text{ м}^2 \cdot \text{с/Вт}$$

Бу ерда:

t_B - ички хона ҳарорати, °С

t_H - иссиқлик инерцияси даражасини ҳисобга олиб қилинувчи

ташки ҳаво ҳарорати. Олдинига $t_H = \frac{t_1 + t_5}{2}$ деб қабул қиламиз.

t_1 - энг совук кунлик ҳарорати

t_5 - энг совук беш кунлик ҳарорати

$t_1 = -[12]$ 4-жадвалини 17-устундан олинади.

$t_5 = t_H - [12]$ 4-жадвалини 10-устундан олинади.

Иссиқлик инерцияси D .

А) $D < 1,5$ бўлса - қиймати учун энг совук кунликнинг уртача ҳарорати 0,98 таъминланиши бўйича олинади, t_H^1

Б) $1,5 < D < 4$ - бу ерда ҳам, энг совук кунликнинг уртача ҳарорати 0,92 таъминланиши бўйича олинади, t_H^1

В) $4 < D < 7$ - бу ерда ҳам, энг совук уч кунликнинг уртача ҳарорати, t_H^3 - 0,92 таъминланиши бўйича олинади.

Г) $7 > D$ - бу ерда ҳам, энг совук беш кунлик ҳарорати t_H^5 - 0,92 таъминланиши бўйича олинади,

яъни $t_H = t_H^5$

Δt^H - деворнинг ички юзаси ҳарорати билан, хонанинг ички ҳаво ҳароратлари фарқининг нормаси КМК 2.01.04 - 97 дан олинади.

Девор курилмаларининг иссиқлик инерцияси куйидагича хисобланади.

$$R=R_1 \cdot S_1+R_2 \cdot S_2+\dots+ R_n \cdot S_n$$

Бу ер да: R_1, R_2, R_n - девор курилмалари алохида каватларининг иссиқлик каршилиги, м.с./ Вт.

Бу кийматларни куйидагича формула билан аниқланади.

$$R = \frac{\delta}{\lambda}$$

Бу ерда δ - бир хил жинсли девор курилмаларининг ёки куп каватли деворнинг алохида деворларининг калинлиги, м да,

α - девор материалининг иссиқлик утказувчанлик коэффциенти.

$S_1 S_2 \dots S_n$ - девор курилмалари алохида каватлари материалларининг иссиқлик ушлаштириш коэффциенти КМК 2.01.04 -97 дан олинади

n - ташки хавога етмайдиган курилмалар учун хисобий харорат фаркини камайтирувчи коэффциент.

$$R_0^{mp} \leq R_0$$

Бажарилган иссиқлик техникаси хисоб китобларида куйидаги бажарилиши шарт.

Иссиқлик утказувчанлик коэффциенти куйидаги формула оркали аниқланади.

$$K = \frac{1}{R_0} \text{Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{°C})$$

Юкоридаги коэф.ни ташки девор, том ёпмаси, ташки дераза ва дарвоза (эшик) лар, хамда пол учун аниқлаймиз.

Ташки девор калинлигини аниқлаш

Хисоблаш учун берилган кийматлар

- энг совук кунликнинг

$$t_H = - 21 \text{ }^\circ\text{C} \rightarrow - 0,98 \text{ таъминланишида}$$

$$t_H = - 18 \text{ }^\circ\text{C} \rightarrow - 0,92 \text{ таъминланишида}$$

- энг совук беш кунликнинг

$$t_H = - 17 \text{ }^\circ\text{C} \rightarrow - 0,92 \text{ таъминланишида}$$

- энг совук уч кунликнинг уртача харорати

$$t_H^3 = \frac{(t_H^1)^{0,92} + (t_H^5)^{0,92}}{2} = \frac{(-18) + (-17)}{2} = -17,5 \text{ }^\circ\text{C}$$

- Курилиш маконининг намлик минтакаси – «курук» (КМК 2.01.04.-97)


- хонанинг намлик тарзи

- «нормал» (КМК 2.01.04-97 буйича)

- Девор курилмаларини курилиш ашёларининг физикавий иссиқлик таъриф – таснифи «А» параметрли иситиш шароитини кабул киламиз. (КМК 2.01.04.-97)

Ташки девор калинлигини аниқлаш хисоблари

Топширик буйича берилган гиштли ташки девор калинлигини аниқлаймиз.



Гиштли ташки деворнинг схемаси

1 - цемент кум аралашмали ташки сувок $\gamma=1800 \text{ кг/м}^3$

2 - асосий катлам гишадан терилган $\gamma= 1600 \text{ кг/м}^3$

3 –охак кум аралашмали ички сувок $\gamma=1800 \text{ кг/м}^3$

1. Катлам – ташки сувок, катлам калинлиги $\delta_1=0,03 \text{ м}$;

Ашёнинг хисобий иссиқлик утказувчанлик коэффициенти

$$\gamma_1=0,76 \text{ Вт/(м}^2 \cdot \text{ }^\circ\text{C)}$$

Ашёнинг хисобий иссиқлик узлаштириш коэффициенти

$$S_1=9,6 \text{ Вт/(м}^2 \cdot \text{ }^\circ\text{C)}$$

2- катлам - асосий катлам катлам калинлиги номаълум хисобий йул билан

Иссиқлик газ таъминоти вентиляция ва сервис

401 ИГТ гуруҳ талабаси Холиқов Фаррух

хисоблаш талаб этилади.

Гиштни хисобий иссиқлик утказувчанлик коэффициенти

$$\lambda_2 = 0,76 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{С})$$

Гиштни хисобий иссиқлик узлаштириш коэффициенти

$$S_2 = 9,73 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{С})$$

3- катлам — ички сувок катлам калинлиги $\delta_3 = 0,02\text{м}$;

Цементли кум коришмасини хисобий иссиқлик утказувчанлик коэффициенти

$$\lambda_3 = 0,70 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{С})$$

Ашёнинг хисобий иссиқлик узлаштириш коэффициенти

$$S_3 = 8,69 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{С})$$

Дастлабки хисоблаш учун уртача массивли девор қабул қиламиз, шунинг учун девор хисобий ҳарорати учун энг совук қунлик ва энг совук беш қунлик ҳароратларининг 0,92 таъминланиш коэффициентидаги уртачасини қабул қиламиз.

$$t_H = \frac{(-19) + (-16)}{2} = -17,5^\circ\text{С}$$

Деворнинг талаб этилган иссиқлик утказувчанлик қаршилигини қийматини аниқлаймиз.

$$R_0^{mp} = \frac{18 + (-17,5) \cdot 1}{6 \cdot 8,7} = 0,68 (\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{С}) / \text{Вт}$$

КМК 2.01.04 -97 га биноан девор ташки қатлами юзасини иссиқлик утказувчанлик коэффициентный қабул қиламиз.

$$\alpha_H = 23 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{С})$$

$$R_H = \frac{1}{\alpha_H} = \frac{1}{23} = 0,043 (\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{С}) / \text{Вт}$$

Гиштдан терилган қатлам δ_2 ни қалинлигини аниқлаймиз.

$$0,68 = \frac{1}{8,7} + \frac{0,03}{0,76} + \frac{\delta_2}{0,82} + \frac{0,02}{0,70} + \frac{1}{23};$$

$$0,68 = 0,115 + 0,039 + \delta_2 / 0,82 + 0,029 + 0,043$$

$$0,63 - 0,226 = \frac{\delta_2}{0,76}; \delta_2 = 0,372\text{м}; \delta_0 = \delta_1 + \delta_2 + \delta_3 = 0,03 + 0,31 + 0,02 = 0,422\text{м}$$

Хисобларни текшириш

Кабул килинган ташки девор курилмасининг иссиқлик инерцияси характеристикасини кийматини аниқлаймиз.

$$D = D_1 + D_2 + D_3$$

$$D_1 = R_1 \cdot S_1 = \frac{0.03}{0.76} \cdot 9.6 = 0.379$$

$$D_2 = R_2 \cdot S_2 = \frac{0.372}{0.82} \cdot 10.1 = 4.58$$

$$D_3 = R_3 \cdot S_3 = \frac{0.02}{0.7} \cdot 8.69 = 0.248$$

$$D = 0.379 + 4.58 + 0.248 = 5.20$$

Яъни $4 < D < 7$, бунда ташки деворимиз уртача массивликка таълуқлидир, бу эса ташки ҳаво ҳисобий ҳароратини дастлабки ҳисобига тугри келмайди.

Шундай қилиб, **Оқдарё тумани** учун ташки ҳаво ҳисобий ҳароратини, яъни энг совуқ беш кунликнинг уртача ҳарорати $t_n^3 - 0.92$ таъминланиши буйича олинади $t_n = t_n^3 = -17.5 \text{ } ^\circ\text{C}$.

Унда такроран ташки деворни талаб этилган иссиқлик қаршилигини аниқлаймиз.

$$R_0^{mp} = \frac{(18 + 17.5) \cdot 1}{6 \cdot 8.7} = 0.68 (\text{m}^2 \cdot ^\circ\text{C}) / \text{BT}$$

Ушбу кийматни эътиборга олиб, гиштдан терилган асосий қатлам қалинлигига аниқлик киратамиз.

$$0.68 = \frac{1}{8.7} + \frac{0.03}{0.76} + 82 + \frac{0.02}{0.70} + \frac{1}{23};$$

$$0.68 = 0.115 + 0.039 + \delta_2 / 0.82 + 0.029 + 0.043$$

$$\frac{\delta_2}{0.76} = 0.65 - 0.226 = 0.424$$

$$\delta_2 = 0.454 \cdot 0.82 = 0.37$$

Шундай қилиб, кабул қилинадиган ташки девор қалинлиги

$$\delta_0 = \delta_1 + \delta_2 + \delta_3 = 0.03 + 0.37 + 0.02 = 0.422$$

ва меъёрий талабларни қаноатлантиради, бунда

$$\frac{1}{R_0} = K = \frac{1}{0,68} = 1,47$$

Терма гиштлар калинлиги куйидаги ярим гишт улчами карралиги буйича куйида куйидагиларни ташкил этади.

0,26; 0,38; 0,51; 0,64; 0,76 м.

Шуларга асосланиб ташки деворнинг хакикий иссиқлик утказишга каршилигини $R_0^{\text{факт}}$, $\text{м}^2 \cdot \text{°C}/\text{Вт}$ ни топамиз.

$$R_0^{\text{факт}} \frac{1}{\alpha_{\text{в}}} + \frac{\delta_1}{\lambda_1} = \frac{\delta_2^{\text{факт}}}{\lambda_2} = \frac{\delta_3}{\lambda_3} + \frac{1}{\alpha_{\text{н}}}$$

$\delta_0^{\text{факт}} = 0,38$ м деб кабул киламиз, чунки

$\delta_2 = 0,26 < 0,31 < 0,38$ дир бунда

$R = 0,115 + 0,039 + \frac{0,38}{0,76} + 0,029 + 0,043 = 0,63$ ва иссиқлик утказувчанлик

коэффициенти

$$K^{\text{факт}} = \frac{1}{R_0^{\text{факт}}} = \frac{1}{0,63} = 1,59$$

$$K^{\text{факт}} = 1,59$$

R_0 ва $1/R_0$ кийматларини ер усти ёпмасы (пол) ва том (чордок) усти ёпмаларини кийматларини 1,15, эшик ва деразалар учун 1.16 жадвалидан кабул киламиз.

1. Ер усти ёпмасы (пол) учун $R_0 = 1,682$ ($\text{м}^2 \cdot \text{°C}/\text{Вт}$)

$$1/R_0 = 0,6 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{°C})$$

2. Том (чордок) усти ёпмасы учун $R_0 = 1,11$ ($\text{м}^2 \cdot \text{°C}/\text{Вт}$)

$$1/R_0 = 0,9 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{°C})$$

3. Деразалар учун:

а) бир ойналик $R_0 = 0,18$ ($\text{м}^2 \cdot \text{°C}/\text{Вт}$) ($\text{м}^2 \cdot \text{°C}$) $\frac{1}{R_0} = 5,56 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{°C})$

б) Икки ойналик $R_0 = 0,34$ ($\text{м}^2 \cdot \text{°C}/\text{Вт}$) $\frac{1}{R_0} = 2,94 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{°C})$

4. Ташки эшик учун $R_0 = 0,215$ ($\text{м}^2 \cdot \text{°C}/\text{Вт}$)

$$\frac{1}{R_0} = 4,65 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{°C})$$

5. Балкон эшиклари учун $R_0 = 0,344$ ($\text{м}^2 \cdot \text{°C}/\text{Вт}$)

$$\frac{1}{R_0} = 2,91 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{°C})$$

Иссиқлик газ таъминоти вентиляция ва сервис
401 ИГТ гуруҳ талабаси Холиқов Фаррух

Иссиклик йуқолишини ҳисоблаш

Бино хоналаридаги иссиклик йуқолишини ҳисоблаш ҳар бир хона ташқи тусикларини алоҳида ҳисоблаш билан амалга оширилади.

Ташқи тусиклар орқали йуқолаётган иссиклик асосий ва қушимча иссиклик йуқолишлардан иборат.

Асосий иссиклик йуқолиши Алоҳида ҳар бир тусиклардан йуқолаётган иссикликдан иборатдир.

$$Q_m = \frac{1}{R_0} F_0 (t_b - t_n)$$

Бу ерда: F_0 - тусиклар юзаси, m^2

R_0 - тусикнинг утказувчанлик қаршилиги, ($m^2 \cdot \text{ч.с}$)

t_b ва t_n - ички ва ташқи ҳисобий ҳарорат

n - ҳар хил тусиклардаги иссиклик йуқолишини ҳисоблашнинг камайтириш коэффициентлари

В. М. Чаплин тавсия этган формулага асосланиб, бино хоналаридаги иссиклик йуқолишини қуйидаги солиштирма иссиклик характеристикаси q_0 , $Вт/м^3 \text{ } ^\circ\text{C}$ га қуйидаги K қийматини киритиш орқали ҳам аниқлаш мумкин, яъни:

1. Уртадаги хоналар учун:

а). Пастки қаватларда $K=1,1$

б). Уртадагиларда $K=0,8$

в). Юқори қаватларда $K=1,3$

2. Бурчакдаги хоналар учун:

а). Пастки қаватларда $K=1,9$

б). Уртадагиларда $K=1,5$

в). Юқори қаватларда $K=2,2$

3. Зинапоялар учун $K=1,2$

$$\sum Q = q_0 (t_b - t_n) v \cdot k \quad [Вт]$$

бу ерда:

v - иситилаётган бино ёки хона ҳажми, m^3

$t_b - t_n$ - ички ва ташқи ҳаво ҳарорати фарқи, $^\circ\text{C}$

k - хоналар ҳолатини инобатга олувчи коэффициент

Турар-жой бинолари учун:

$$q_0 = 0.42 \div 0.37 \text{ ккал/м}^3 \cdot \text{соат} \cdot ^\circ\text{C} \quad [0.488 \div 0.43 \text{ Вт/м}^3 \cdot ^\circ\text{C}]$$

Жамоат бинолари учун:

Иссиклик газ таъминоти вентиляция ва сервис
401 ИГТ гуруҳ талабаси Холиқов Фаррух

$$q_0=0.35\div 0.29 \text{ ккал/м}^3\cdot\text{соат}\cdot^{\circ}\text{C} [0.41\div 0.34 \text{ Вт/м}^3\cdot^{\circ}\text{C}]$$

Кушимча иссиқлик йуқолиши

Кушимча иссиқлик йуқолиши асосий иссиқлик йуқолишига % хисобидаги кушимча иссиқлик йуқолиши қуринишида хисобланади.

Иссиқлик йуқолиши кушимча қийматлари қуйидагилардан иборат.

1. Ташқи тусиқларнинг йуналишлари қутб томонига жойлашувига қараб
 2. Тусиққа шамолнинг таъсири бўйича. Агарда қишқи шамол тезлиги 5 м/с дан ошмаса, кушимча - 5 %
 3. Хонанинг баландлиги бўйича ва хоказо.
- Хисоблар натижасини 1-жадвалда курсатамиз.

Иссиқликнинг асосий истеъмолчилари

Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимларида иссиқлик биноларни иситишга, вентиляция ва ҳавони кондициялаш қурилмаларида хоналарга узатиладиган ҳавони қиздиришга, иссиқ сув таъминотига, шунингдек, саноат корхоналарида паст ҳароратли (300-350°C гача бўлган) технологик жараёнларга сарфланади.

Йил давомида иссиқликни истеъмол қилиш режимига кўра юқорида қайд этилган истеъмолчилар икки турга бўлинади:

1. Мавсумий истеъмолчилар.
2. Йил давомидаги истеъмолчилар.

Мавсумий истеъмолчилар иссиқликни ташқи ҳавонинг ҳароратига боғлиқ бўлган ҳолда сарфлайди. Масалан, иситиш ва вентиляцияга бўлган иссиқлик юкламалар ташқи ҳавонинг ҳароратига ва бошқа шарт-шароитларга (қуёш радиацияси, шамол тезлиги, ҳаво намлиги) боғлиқдир. Агар ташқи ҳавонинг ҳарорати иситилаётган хонадаги ҳавонинг ҳароратига тенг ёки ундан юқори бўлса, у ҳолда иситиш ва вентиляцияга иссиқлик энергияси талаб этилмайди.

Демак, иситиш ва вентиляция тизимларида йил давомида фақат ташқи ҳавонинг паст ҳароратларида сарфланади. Шунинг учун бундай истеъмолчилар *мавсумий* дейилади.

Йил давомидаги истеъмолчилар иссиқликни йил давомида ташқи ҳавонинг ҳароратига деярли боғлиқ бўлмаган ҳолда сарфлайди. Масалан, иссиқ сув таъминоти тизимларф ва турли хил технологик жараёнларга иссиқлик юкламалар ташқи ҳавонинг ҳароратига боғлиқ бўлмайди. Шунинг учун бундай истеъмолчилар *йил давомидаги истеъмолчилар* дейилади.

Иссиқлик истеъмол қилиш бўйича биноларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин. Турар жой бинолари, жамоат бинолари ва ишлаб чиқариш корхоналари.

Турар жой бинолари учун иситиш, вентиляция мавсумий истеъмоли бўлса, иссиқ сув таъминоти йил давомидаги истеъмоли бўлади. Турар жой бинолари учун хоналарга ҳаво вентиляция орқали ҳамда ойна ва ташқи тўсиқнинг тирқишларидан киради.

Кўпчилик жамоат биноларида, асосан, истеъмол мавсумий бўлиб, иситиш, вентиляция ва ҳавони кондициялаш учун иссиқлик сарф қилинади. Ишлаб чиқариш корхоналарида эса мавсумий ва йил давомидаги истеъмоли бўлиб иссиқ сув сарфланади. Биноларнинг иссиқликка бўлган талаби ўзгарувчан бўлиб, иситиш, вентиляциянинг иссиқлик сарфлари ташқи ҳароратга боғлиқ бўлади, иссиқ сувга бўлган талаблар эса бинолардаги яшайдиган одамларнинг иссиқ сув истеъмол қилиш тартибига (иссиқ сув аккумуляторларнинг бор-йўқлигига) боғлиқ бўлади. Технологик ускуналар учун иссиқликдан фойдаланиш эса ускуналарининг иш тартибига боғлиқ бўлади.

Йириклаштирилган кўрсаткичлар ёрдамида иссиқлик юкламаларини аниқлаш

Иссиқлик таъминоти тизимларини лойиҳалаш жараёнида турар жой, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларини иситиш, вентиляциялаш, шунингдек, иссиқ сув таъминотига бўлган максимал ва ўртача иссиқлик оқимларини тегишли лойиҳалар бўйича қабул қилиш лозим.

Лойиҳалар мавжуд бўлмаган ҳолда, иссиқликка бўлган эҳтиёж, яъни иссиқлик юкламалар йириклаштирилган кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Бунда йириклаштириш даражаси турли хил бўлиши мумкин: алоҳида бинолардан бошлаб то шаҳарнинг турар жой зоналаригача. Шунга қараб йириклаштирилган кўрсаткичлар бўйича иссиқлик сарфини ҳисоблаш тўрмуслар кўриниши ва уларнинг аниқлик даражаси ҳам турли хил бўлади. иссиқлик сарфини йириклаштирилган кўрсаткичлар бўйича ҳисоблашда алоҳида олинган бинолар бўйича ҳисоблаш энг кичик йириклаштиришга ва энг юқори аниқликка эгадир.

Алоҳида олинган бинолар учун иссиқлик юкламаларини қуйидагича аниқлаш мумкин.

1: Турар жой биноларида иситиш учун сарфланадиган максимал иссиқлик оқими

$$Q_{i \max} = V q (t_i - t_o) \alpha, \text{ Vt}$$

бу ерда q - бинонинг солиштирма иссиқлик тавсифи, Вт/(м³ °С), ички ва ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳароратлар фарқи 1 °С бўлганда бинонинг 1 м³ ҳажмига келтирилган иссиқлик йўқолиши (адабиётларда ташқи ҳавонинг ҳарорати $t = -30^\circ\text{C}$ учун қ. қийматлари келтирилган); V_T - бинонинг ташқи ўлчамлари бўйича аниқланган ҳажми, м³; t_{in} - иситилаётган бино ичидаги ҳавонинг ўртача ҳарорати, °С; t_o - иситишни лойиҳалаш учун ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С, ҚМҚ 2.01.01-94 бўйича қабул қилинади; α - ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати $t_o = -30^\circ\text{C}$ дан фарқли бўлганда киритиладиган тузатиш коэффициентини.

Агарда иситиш учун сарфланадиган максимал иссиқлик оқимини яшаш майдонига нисбатан аниқлаш лозим бўлса, унда формула қуйидаги кўринишга келтирилади:

$$Q_{i \max} = F_{\text{yash}} K_2 q_i (t_i - t_o) \alpha, \text{ Vt}$$

бу ерда $F_{\text{yash}} = V_T / K_2$ - яшаш майдони, м²; $K_2 = V_T / F_{\text{yash}}$ - бинонинг ҳажмий коэффициентини, м³/м².

Яшаш майдони F_{yash} квартиранинг фойдали майдони F_{ϕ} орқали
Иссиқлик газ таъминоти вентиляция ва сервис
401 ИГТ гуруҳ талабаси Холиқов Фаррух

ифодаланиши мумкин:

$$F_{yash} = F_f K_1, \text{ m}^2$$

бу ерда $K = F_{yau} / F_{\phi}$ — квартиранинг ўлчамсиз режалаштириш коэффициенти.

Жамоат биноларда иситиш учун сарфланадиган максимал иссиқлик оқими, ташқаридан инфилтрацияланадиган совуқ ҳавони қиздиришга сарфланадиган иссиқликни ҳисобга олган ҳолда аниқланади

$$Q_{i \max} = 1,1 V_{T1} q_i (t_i - t_{\phi}) (1 + \mu), \text{ Vt}$$

бу ерда μ — ташқаридан инфилтрацияланадиган (дераза, девор тирқишларидан сизиб кирадиган) совуқ ҳавони қиздиришга сарфланадиган иссиқликни ҳисобга олувчи коэффициент, $\mu = 0,1 \div 0,2$ га - агарда сўрма вентиляцияси мавжуд бўлган бинода ташқарига чиқариб юборилаётган ҳавонинг сарфи иссиқ ҳаво узатиш йўли билан қопланмаса ва $n = 0$ га - агарда бинода ҳавони узатиш вентиляцияси кўзда тутилган бўлса.

2. Жамоат биноларида вентиляция учун сарфланадиган максимал иссиқлик оқими:

$$Q_{v \max} = V_{T1} q_v (t_i - t_{\phi}), \text{ Vt}$$

бу ерда q_v — бинонинг солиштирма иссиқлик-вентиляция тавсифи, $\text{Vt} / (\text{m}^3 \text{ } ^\circ\text{C})$.

3. Турар жой биноларида иситиш давридаги иссиқ сув таъминоти учун хафта давомида сарфланадиган ўртача суткадаги ўртача иссиқлик оқими

$$Q_{\text{sum}} = m q_{\text{y.m}}^x c (t_x - t_s) / (24 \cdot 3,6), \text{ Vt}$$

бу ерда m — аҳоли сони; $q_{\text{y.m}}^x$ иситиш даврида бир киши учун сутка давомида иссиқ сув сарфи, $\text{кг} / (\text{сут. киши})$, ҚМҚ 2.04.01-98

бўйича қабул қилинади; c - сувнинг солиштирма иссиқлик сиғими, $c = 4,187$ Ид ($\text{кг } ^\circ\text{C}$); t_x — истеъмолчиларнинг иссиқ сув таъминоти тизимга келадиган сувнинг ҳарорати, $^\circ\text{C}$, одатда 55°C га тенг деб қабул қилинади; t_s — иситиш давридаги совуқ (водопровод) сув ҳарорати, $^\circ\text{C}$, маълумотлар бўлмаган ҳолда 5°C га тенг деб қабул қилинади.

Иссиқлик сарфини янада йириклаштирилганроқ кўрсаткичлар бўйича ҳисоблашда шаҳар ва бошқа аҳоли яшаш турар жой туманлари учун

Иссиқлик газ таъминоти вентиляция ва сервис

401 ИГТ гуруҳ талабаси Холиқов Фаррух

куйидагича аниқлаш мумкин.

1. Турар жой ва жамоат биноларини иситиш учун сарфланадиган максимал иссиқлик оқими:

$$Q_{i \max} = q_0 A (1 + k_1), \text{ Vt}$$

бу ерда: q_0 - турар жой биноларининг 1 м² умумий майдонига сарфланадиган максимал иссиқлик оқимининг йириклаштирилган кўрсаткичи, Вт/м², ҚМҚ 2.04.07-99 бўйича қабул қилинади; A -турар жой биноларининг умумий майдони, м²; k_1 , — жамоат биноларини иситишга сарфланадиган иссиқлик оқимини ҳисобга олувчи коэффициент; маълумотлар бўлмаган ҳолда 0,25 га тенг деб қабул қилинади.

2. Жамоат биноларида вентиляция учун сарфланадиган максимал иссиқлик оқими:

$$Q_{v \max} = K_1 K_2 q_0 A, \text{ Vt}$$

бу ерда K_2 — жамоат биноларини вентиляциясига сарфланадиган иссиқлик оқимини ҳисобга олувчи коэффициент; маълумотлар бўлмаган ҳолда: 1985 йилгача қурилган жамоат бинолари учун — 0,4; 1985- йилдан кейин қурилганлари учун эса — 0,6 га тенг деб қабул қилинади.

3. Турар жой ва жамоат биноларини иссиқ сув таъминотига сарфланадиган ўртача иссиқлик оқими:

$$Q_{hm} = \frac{1,3m(a+b)(55-t_s)}{24 \cdot 3,6} c, \text{ Vt}$$

ёки

$$Q_{hm} = q_h m, \text{ Vt}$$

бу ерда a — иссиқ сув таъминоти бўлган бинода яшайдиган, бир кишига бир суткада ҳарорати 55°С бўлган сувнинг сарфланиш меъёри, 1/сут, ҚМҚ 2.04.01-98 бўйича қабул қилинади;

b — жамоат биноларида иссиқ сув таъминотига 55°С ҳароратли сувни сарфланиш меъёри, 1 кишига 25 1/сут га тенг деб қабул қилинади;

Q_{hm} — бир киши иссиқ сув таъминотига сарфланадиган ўртача иссиқлик оқимининг йириклаштирилган кўрсаткичи, Вт, ҚМҚ 2.04.07-99 бўйича қабул қилинади.

Истеъмолчиларнинг маълум бўлган сарфланадиган максимал иссиқлик оқимлари бўйича ўртача иссиқлик оқимларини аниқлаш мумкин:

а) турар жой туманларини иситишга сарфланадиган ўртача иссиқлик
Иссиқлик газ таъминоти вентиляция ва сервис
401 ИГТ гуруҳ талабаси Холиқов Фаррух

ОҚИМИ:

$$Q_{im} = Q_{i\max} \frac{t_i - t_m}{t_i - t_0}, \text{ Вт}$$

б) шунга ўхшаш вентиляцияга сарфланадиган ўртача иссиқлик оқими:

$$Q_{vm} = Q_v \max \frac{t_i - t_s}{t_i - t_s}, \text{ Вт}$$

бу ерда t_s — ҳисобий давр учун (ой, иситиш даври) ташқи ҳавонинг ўртача ҳарорати, °С, ҚМҚ 2.01.01-94 бўйича қабул қилинади.

Иситиш даври бўлмаган вақтда аҳоли яшаш жойлари турар жой туманларининг иссиқ сув таъминотига сарфланадиган ўртача иссиқлик оқими

$$Q_{hm}^s = Q_{hm} \frac{55 - t_m^s}{55 - t_c} \beta, \text{ Вт}$$

бу ерда t_m^s — совуқ (водопровод) сувнинг иситиш даври бўлмаган вақтидаги ҳарорати (маълумотлар бўлмаган ҳолда 15 °С га тенг, деб қабул қилинади), °С;

β — иситиш даври бўлмаган вақтда иситиш даврига нисбатан иссиқ сув таъминотида сув сарфи ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент; маълумотлар бўлмаган ҳолда турар жой сектори учун 1,0 га (курорт жойларда $\beta=1,5$), корхоналар учун, 0га тенг, деб қабул қилинади.

Маълум бир давр учун (сутка, ой, иситиш даври, йил ва ҳ.к.) иситиш, вентиляция ва иссиқ сув таъминотига сарфланадиган иссиқлик микрофларини қуйидаги ифодалар ёрдамида аниқлаш мумкин.

Ҳисобий давр учун ўртача суткалик иссиқлик юклама:

— биноларни иситишга:

$$Q_{hm} = 86,4 \cdot K_{lm}, \text{ кЖ/сут}$$

— биноларнинг вентиляциясига

$$Q_{vo} = 3,6 \cdot 3K_m, \text{ кЖ/сут}$$

- иситиш даврига тўғри келган сутка учун иссиқлик таъминотига

$$Q_{to} = 864 \cdot K_{xtm}, \text{ кЖ/сут}$$

- иситиш даврига тўғри келмаган сутка учун иссиқлик таъминотига

$$A_0 = 86,4 \cdot K_{\chi_{\text{из}}}, \text{ кЖ/сут}$$

бу ерда Z — сутка давомида вентиляция тизимининг ўртача ишлаш вақти соатларда (жамоат бинолари учун маълумотлар бўлмаган ҳолда 16 соатга тенг деб қабул қилинади).

Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимлари

Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизими асосан қуйидаги элементлардан: иссиқлик манбайи, иссиқлик тармоғи, истеъмолчининг киритиш тугуни ва маҳаллий иссиқлик истеъмол тизимларидан иборат бўлади. Иссиқлик манбаларининг истеъмолчиларига нисбатан жойлашишига қараб, иссиқлик таъминоти тизимлари марказлашган ва марказлаштирилмаган бўлади.

Марказлаштирилмаган тизимларда иссиқлик манбалари билан истеъмолчиларнинг иссиқликни қабул қилувчи мосламалари ягона бир қурилмага бирлаштирилган бўлади.

Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимларида иссиқлик манбайи ва истеъмолчиларнинг иссиқликни қабул қилувчи мосламалари бир-бирига нисбатан алоҳида, кўпинча узок масофада жойлашган бўлади ва манбадан иссиқликни истеъмолчиларга узатилиши иссиқлик тармоқлари орқали амалга оширилади. Марказлаштириш даражаси бўйича иссиқлик таъминоти тизимлари қуйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин:

гуруҳли — бинолар гуруҳининг иссиқлик таъминоти;

туманли — бир неча бино гуруҳларининг иссиқлик таъминоти;

шаҳарли — бир неча туманнинг иссиқлик таъминоти;

шаҳарларароли — бир неча шаҳарнинг иссиқлик таъминоти.

Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимлари иссиқлик ташувчисига қараб: сувли ва буғли турларига бўлинади.

Замонавий иситиш тизимлари

Ҳозирги кунда кўп қаватли турар жой ва жамоат биноларини иситиш учун сувли, пастки тармоқли, бир қувурли иситиш тизимлардан фойдаланилмоқда. Мазкур иситиш тизимлари республиканинг йирик шаҳарларида, айниқса Тошкент шаҳрида жуда кенг тарқалган бўлиб, уларда бинонинг турли қаватларида жойлашган хоналарнинг иситиш асбоблари П-симон тик қувурлар ёрдамида ертўлада ётқизилган магистрал қувурларга уланган. Иситиш тизими эса, ўз навбатида, бинонинг киритиш тугуни орқали шаҳарнинг икки қувурли очик иссиқлик тармоқларига бевосита боғлиқ бўлган чизмаси билан уланган. Бундай тизимлардан фойдаланишнинг кўп йиллик тажрибаси уларнинг қуйидаги камчиликларга эга эканлигини кўрсатади:

Иссиқлик газ таъминоти вентиляция ва сервис
401 ИГТ гуруҳ талабаси Холиқов Фаррух

1) йилнинг ўтиш даврида хоналарнинг ортиқча иситиб юборилиши, совук кунларда эса сув айланишини яхшилаш мақсадида уни истеъмолчилар томонидан тармоқдан тўкиб юборилиши натижасида, иссиқликни 30 дан 50% гача ортиқча сарфланиши;

2) иссиқлик тармоқларга иситиш тизимини бевосита уланиши натижасида П-симон қувурлами вақт ўтиши билан тиқилиши ва бино бўйича хоналарни нотекис иситиш;

3) иситиш асбобларида ростлаш мосламалари йўқлиги сабабли, хоналарда керакли ҳароратни таъминлаб бўлмаслиги ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган камчиликлар замонавий сув билан иситиш тизимларида турли хил йўллар билан бартараф этилади. Уларни шартли равишда учта гуаиҳга ажратлш мумкин:

1. Иситиш тизимининг чизмасини тубдан ўзгартириш, яъни, янги принципл чизмаларга, янги иссиқлик манбаларга ва бошқа янги технологик ечимларга ўтиш.

2. Иситиш тизимларининг чизмаларини қисман ўзгартириш, янги замонавий жиҳозлар билан жиҳозлаш натижасида салмоғини ошириш.

3. Иситиш тизимларининг чизмаларини ўзгартирмасдан туриб, уларни фақат замонавий иситиш жиҳозлари, арматура ва қувурлар билан жиҳозлаш.

Бу соҳада чет ел тажрибасидан фойдаланиш мақсадида 1999-2001 йилларда Тошкент шаҳрида Тасис йўналиши бўйича замонавий иситиш

тизимлари билан жиҳозланган битта кўп қаватли турар жой биноси (Чехов кўчаси, 30), сўнгра 11 та бинодан иборат бўлган турар жой мавзеси (Қўйлиқ-2)да тажрибавий намоиш лойиҳалари ЕУ39602 ва ЕУ39802 амалга оширилди.

Чехов кўчаси, 30 турар жой биносида иситиш тизимларининг янги технологик ечимлари синалди:

- бинонинг томонлари бўйича ростланувчи иситиш тизими;



— маҳаллий бир нечта хонадонларга мўлжалланган янги газ қозонлар билан жиҳозланган иситиш тизими;

— якка хонадонларни иситиш тизимлари;


- қуёш энергиясидан фойдаланадиган иситиш тизимлари. Синовлар маҳаллий бир нечта хонадонга хизмат кўрсатадиган иситиш тизимлари ва қуёш энергиясидан фойдаланадиган тизимлар унинг юқори техник-иктисодий кўрсаткичларга эга эканлигини кўрсатади. Лекин бу тизимлардан кенг миқёсда фойдаланиш амалдаги тизимларни қайта қуриш учун жуда катта маблағ сарфланишини талаб этади. Шунинг учун Қўйлиқ-2 мавзесидаги тажрибавий намоиш лойиҳасида амалдаги иситиш тизимлари асосида, кам ўзгартиришлар йўли билан янги замонавий тизимларга айлантириш вазифаси қўйилди. Бунда иситиш тизими бўйича учта вариант бир-бири билан таққосланиб солиштирилди:

- эталон бўлган вариант «0»; амалдаги тизим (2.1-расм);


— 1-чи вариант; пастки тармоқли бир қувурли иситиш тизими боғлиқ бўлмаган чизма (2.2-расм);



**Биринчи вариант пастки тармоқли бир қувурли иситиш тизими
боғлиқ бўлмаган чизма.**



Иккинчи вариант пастки тармоқли бир қувурли иситиш тизими ҳамда 1СТ боғлиқ бўлмаган чизма.



Кўп қаватли осмонўпар биноларнинг сув-сувли иситиш тизимларининг принципаал схэмаси.

И ва ИИ- сув-сувли иситиш тизимли бинонинг зоналари; ИИИ-буғ-сувли иситиш тизимли бинонинг зонаси (Б-буғ, К-конденсат); 7—кенгайиш баклари; 2— циркуляция насослари; 3—буғ-сувли иссиқлик алмаштиргичи; 4— сув-сувли иссиқлик алмаштиргичи. 2- вариант; пастки тармоқли бир қувурли иситиш тизими ҳамда иссиқ ув таъминоти (1СТ) боғлиқ бўлмаган

Иссиқлик газ таъминоти вентиляция ва сервис
401 ИГТ гуруҳ талабаси Холиқов Фаррух

чизма (2.3-расм). Ўтказилган тажрибалар иссиқлик энергиясини тежамкорлиги бўйича 2- вариант энг юқори ўринда, сўнгра 1- вариант ва охирида 0-чи вариант эканлигини кўрсатди.

Кўп қаватли осмонўпар биноларни иситишнинг моҳияти

Кўп қаватли осмонўпар бинолар ва уларнинг санитария-техник қурилмалари техник қаватлари билан маълум баландликларга эга бўлган қисмлар — зоналарга бўлинади. Бунда жиҳозлар ва коммуникациялар техник қаватларда жойлаштирилади.

Сувли иситиш тизимлари учун зона баландлиги гидростатик босимга боғлиқ бўлиб, чўян радиаторли тизимлар учун 55 м дан (чўян радиаторли тизимлар учун 80 м дан ва пўлат қувурлардан ясалган иситиш асбобли тизимлар учун 90 м дан ошмаслиги лозим).

Зоналарнинг сони бинонинг умумий баландлигига боғлиқдир. Махсус буюртма билан ясалган пўлат иссиқлик алмаштиргичлар ва насослар одатда 1,6 МПа гача ишчи босимга эгадир. Шунинг учун сув-сувли иситиш тизимларининг максимал баландлиги 150-160 м дан ошмаслиги лозим (2.4-расм).

Саноат биноларини иситиш тизимлари

Саноат биноларини иситишда, одатда, сувли иситиш тизимлари билан бир қаторда, ҳаво ва буғ билан иситиш тизимларидан кенг фойдаланилади. Бунда ҳаво билан иситиш тизимлари кўпинча вентиляция тизимлари билан бирлаштирилади, буғ билан иситиш тизимларида эса саноатдаги технологик ехтиёжлар учун ишлаб чиқариладиган буғдан фойдаланилади.

Ҳаво билан иситиш тизимларида иссиқлик ташувчи сифатида 60°C гача қиздирилган иссиқ ҳаводан фойдаланилади. Агарда ҳаво буғдан юқорироқ ҳароратда қиздирилса, бу ҳолда у ўзининг одамлар учун нафас олиш муҳити хусусиятларини йўқота бошлайди.

Ҳавони ҳаракатга келтириш бўйича ҳаво билан иситиш тизимлари табиий (гравитацион) ва механик ҳаракатланувчан (вентилятор ёрдамида) турларига бўлинади. Бу тизимларида ҳаво калориферларда қиздирилади. Калориферларга иссиқлик сув буғи, сув, электр токи ва иссиқ газлар орқали берилади. Шунга қараб тизимлар сув-ҳаволи, буғ-ҳаволи, электр-ҳаволи ва газ-ҳаволи турларга бўлинади.

Ҳаво билан иситиш тизимлари маҳаллий ва марказий турларга бўлинади.

Маҳаллий тизимларда ҳавони иситиш манбаси иситилаётган хонанинг ўзида жойлашган бўлади (2.5-расм). Бундай тизимлар тўла ресиркуляцияли (2.5-расм, а, б); қисман ресиркуляцияли (2.5-расм, в) ва тўғри оқимли (2.5-расм, г) бўлиши мумкин.

Тўла ресиркуляцияли ҳаво билан иситиш тизимлари зарарли моддалар умуман ажралиб чиқмайдиган хоналарни иситиш учун қўлланилади. Бундай


тизимлар каналсиз (2.5-расм, *а*) ва каналли (2.5-расм, *б*) бўлиши мумкин. Каналли тизимларда ҳавони айлантириш, яъни циркуляция қилиш учун

табiiй ҳаракатдан фойдаланилади.

Хоналарда зарарли моддалар ажралиб чиқадиган ҳолларда, яъни мажбурий вентиляцияга зарурийат бўлганда, қисман ресиркуляцияли (2.5-расм, *в*) ёки тўғри оқимли (2.5-расм, *г*) иситиш тизимларидан фойдаланилади.

Ҳаво билан иситиш марказий тизимларида ҳавони иситиш манбаси иситилаётган хоналардан ташқарида бўлиб, иссиқ ҳаво каналлар (ҳаво қувурлари) ёрдамида хоналарга узатилади (2.6-расм) Бундай тизимлар тўла ресиркуляцияли (2.6-расм, *а*); қисман ресиркуляцияли (2.6-расм, *б*); тўғри оқимли (2.6-расм, *в*) ва рекуператив (2.6-расм, *г*) бўлиши мумкин.


Ишлаш тамойиллари бўйича келтирилган марказий тизимларнинг чизмалари юқорида кўрилган маҳаллий тизимларнинг чизмаларидан



. Ҳаво билан иситишнинг маҳаллий тизимлари:


а, б—тўла ресиркуляцияли; *в*—қисман ресиркуляцияли; *г*—тўғри оқимли; *И*—иситиш агрегати; 2-зона; 3— иссиқ ҳаво канали; 4-калорифер-иссиқлик алмаштиргичи; 5—ҳавони қабул қилиш жойи; 6— ресиркуляцияланувчи ҳаво;

7-сўрма вентиляция канали; m_n , $m_{ис}$, m_n , $ц$ - ички, иссиқ, ташқи ва сўрма ҳаво.



. Ҳаво билан иситишнинг марказий тизимлари:

a—тўла ресиркуляцияли; *б*— қисман ресиркуляцияли; *в*—тўғри оқимли;
г—рекуператив; 7—калорифер-иссиқлик алмаштиргич; 2— ҳаво тақсимлагичнинг иссиқ ҳаво канали; Ж-ички ҳаво канали; 4-вентилятор; 5- ташқи ҳаво канали; 6— ҳаво-ҳаволи иссиқлик алмаштиргичи; 7—ишчи зонаси; m_n , $m_{ис}$, m_n , $ц$ — ички, иссиқ, ташқи ва сўрма ҳаво.



Берк ва берк бўлмаган буғли иситиш тизимларининг принцинал чизмалари:

7—буғ тўплагичли буғ козони; 2—буғ қувури; Ж—иситиш асбоби; 4— ва 6— ўзиоқар ва сиқувли конденсат қувурлари; 5—ҳавони чиқарадиган қувур;
 7—конденсат баки; 8— конденсат насоси; 9-буғ тақсимловчи коллектор; Т7-буғ; Т8-конденсат.

Иситиш асбобларини, устунларини ва узатувчи қувурларини жойлаштириш

Иситиш асбобларини очик холда, ташки деворга, биринчи навбатда

